

Қадр кечаси ҳақида хабар | Сийрат дарслари (293-дарс)



19:00 / 02 август 539

471. Алий ибн Ҳусайндан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари София розияллоҳу анҳо айтди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф ўтирган эдилар. Кечаси у зотнинг зиёратларига келдим, бироз гаплашдим, сўнг уйим томон турдим. У киши кузатгани мен билан турдилар. (Унинг маскани Усома ибн Зайднинг ҳовлиси ўрнида эди.) Шу пайт ансорлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, тезлаб кетишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шошманглар, бу (аёл) София бинт Ҳуяй»**, дедилар. «Субҳаналлоҳ, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. **«Албатта, шайтон инсоннинг қонюрар жойида юради. Мен қалбларингизга шайтон бирор нарса солиб қўйишидан қўрқдим»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

472. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзилари тушларида Қадр кечасининг охири етти (кеча)да эканини кўришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларнинг тушингиз охири етти кечага мувофиқ келаётганини кўряпман. Ким, у(кеча)ни**

излайдиган бўлса, охирги етти (кеча)дан изласин», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай келган:

«Бир киши Қадр кечаси йигирма еттинчи кеча эканини туш кўрди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларнинг тушингиздаги охирги ўн(кун)ликда эканини кўряпман. Демак, уни тоқ (кеча)да изланг»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқасида шундай дейилган:

«Уни - яъни Қадр кечасини - охирги ўн(кун)ликда изланг. Агар бирортангиз заифлашса ёки ожиз бўлса, қолган еттида енгилиб қолмасин», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

473. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга Қадр кечаси ҳақида хабар бериш учун чиқдилар. Шунда мусулмонлардан икки киши низолашиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Сизларга хабар бергани чиққан эдим. Аммо фалончи ва пистончи низолашиб қолишди. Шунинг учун уни тўққизинчи, еттинчи ва бешинчида изланглар».**

Бухорий ривоят қилган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.